

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Туронбанк» АТБ

Кенгашининг 2020 йил

«30» октябрдаги

К-77-сонли қарори

Кенгаш Раиси ўринбосари

А.А.Кадиров




«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки Раисининг

биринчи ўринбосари

Б.Э.Захидов



## «ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ВА МУОМАЛАДА БЎЛИШ ШАРТЛАРИ

### 11-ЧИҚАРИЛИШ

Мазкур шартлар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги Низоми (рўйхат рақами 1859, 2008 йил 24 сентябрь) асосида ишлаб чиқилган бўлиб, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг депозит сертификатларини чиқариш, сўндириш ва муомалада бўлишини тартибга солади.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур шартларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг (кейинги матнда «банк») депозит сертификати (кейинги матнда «сертификат») - банкка қўйилган депозит суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) депозит суммасини ҳамда сертификатда белгиланган фоизларни банк ёки унинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан сўнг олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз ҳисобланади;

**цессия** - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш;

**цедент** - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечаётган томон;

**цессионарий** - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини олаётган томон.

1.2. Сертификатлар бланкалар тарзида ҳужжатли шаклда чиқарилади.

1.3. Сертификатни товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида қўллаш мумкин эмас.

1.4. Депозит сертификатларининг олди-сотдиси ва улар бўйича суммаларни тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклда амалга оширилади.

1.5. Сертификатларнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

1.6. Сертификатлар 365 кун муддатга чиқарилади.

## **II. СЕРТИФИКАТ БЛАНКАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

2.1. Сертификат бланкаларида қуйидаги мазмундаги мажбурий реквизитлар бўлиши лозим:

а) «депозит сертификати» номи;

б) сертификат рақами ва серияси;

в) депозит қўйилган сана;

г) сертификат бўйича суммани талаб қилиб олиш санаси;

д) сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори (рақамлар ва сўзлар билан);

е) банкнинг депозитга қўйилган суммани қайтариш ва тегишли фоизларни тўлаш юзасидан мажбурияти;

ж) депозитдан фойдаланиш учун фоиз ставкаси;

з) тўланиши лозим бўлган фоиз суммаси (рақамлар ва сўзлар билан);

и) банкнинг номи, жойлашган манзили;

к) депозит сертификатида омонатчи - юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили;

л) банк томонидан сертификатни имзолаш ҳуқуқи берилган икки нафар мансабдор шахснинг банк муҳри билан тасдиқланган имзолари.

Сертификат бланкининг матнида юқорида кўрсатилган мажбурий реквизитлардан бири кўрсатилмаган тақдирда сертификат ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

2.2. Сертификатда цессия сертификат бланкасининг орқа томонида расмийлаштирилади. Агар цессияни расмийлаштириш учун қўшимча варақлар талаб

этилса, унда сертификатнинг иловалари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу иловалар сертификат сақловчисининг талаби билан сертификатни муомалага чиқарувчи банк томонидан расмийлаштирилади.

Сертификатнинг иловалари рақамланган, сертификат бланкасига тикилган ва сертификатни имзолаш ҳуқуқи берилган икки нафар мансабдор шахс томонидан имзоланиши ҳамда банк (банк филиали) муҳри билан тасдиқланиши лозим.

2.3. Сертификат бланкасида сертификатни чиқариш ва унинг муомалада бўлиш шартлари, шу жумладан цессияни расмийлаштириш ҳамда сертификат йўқотилганда сертификат бўйича ҳуқуқларни қайта тиклаш тартиби акс эттирилади.

2.4. Сертификат бланкаси банк томонидан қўлда шарикли ручкада, ёзув машинкасида ёки компьютернинг ёзув мосламасида (принтерда) тўлдирилади.

2.5. Сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори рақамлар ва сўзлар билан ёзилади.

Сертификатнинг рақамда ёзилган қийматидан олдин ва кейинги бўш жойлар, шунингдек сўзда ёзилган қийматидан кейин қолган бўш жойлар икки параллел чизик тортиш йўли билан тўлдириб қўйилиши керак. Сўзлар билан ёзилган ҳамда рақамлар билан белгиланган суммалар ўртасида фарқ бўлган тақдирда сўзлар билан ёзилган сумма ҳақиқий ҳисобланади.

2.6. Сертификатни беришда банк сертификат корешогидаги барча реквизитларни тўлдиради. Сертификат корешоги сертификат эгаси ёки унинг қонун ҳужжатларига биноан расмийлаштирилган ишончномага эга бўлган ваколатли шахси томонидан имзоланади, сертификатдан ажратилади ва банкда сақланади.

2.7. Омонатчининг (сертификат сақловчининг) вакили депозит сертификатини олиш учун ишончномага эга бўлиши лозим, ишончнома сертификат корешоги билан бирга сақланади.

2.8. Банк томонидан сертификатни тўлдиришда тузатиш ва ўчиришларга йўл қўйилмайди.

2.9. Сертификат бланкасини омонатчига беришда тўғри расмийлаштириш ва тўлдириш учун жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

2.10. Депозит сертификати бланкалари, шунингдек сертификатларга қўшимча варақлар (иловалар) «Давлат белгиси» ДИЧБ Тошкент босма фабрикаси томонидан тайёрланади. Сертификатга қўшимча варақлар (иловалар) сертификат бланкаси билан бир вақтда тайёрланади.

2.11. Сертификат бланкалари «Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисида»ги Низом (АВ томонидан 2004 йил 17 февралда 1312-сон билан рўйхатга олинган) талабларига мувофиқ тайёрланади.

### **III. СЕРТИФИКАТЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Сертификатдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш мумкин.

3.2. Депозит сертификати бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқи фақат юридик шахсга ўтказилиши мумкин.

3.3. Цессия сертификатнинг орқа томонида ёки қўшимча варақларда (иловалар) цедент ва цессионарийнинг икки томонлама битими билан расмийлаштирилади.

Депозит сертификати бўйича цессия ҳар бир томондан шу каби битимларни амалга ошириш учун юридик шахс томонидан ваколат берилган икки нафар шахс томонидан имзоланади.

Ҳар бир цессия цедент томонидан рақамланади.

Цессияни расмийлаштириш узлуксиз бўлиши шарт.

3.4. Сертификатлар олди-сотди, ҳадя қилиш, мерос қилиб олиш, устав фондига киритиш ва эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа битимларда, шунингдек гаровда битим объекти бўлиши мумкин.

Сертификат эгаси бевосита банкдан ёки бошқа банклардан кредит ажратилишида сертификатлардан гаров таъминоти сифатида фойдаланишга ҳақли.

3.5. Сертификатлар қўйидаги миқдор ва ҳажмларда чиқарилади:

Қиймати	Сони	Ҳажми
100.000.000 (Бир юз миллион) сўм	150 (Бир юз эллик) дона	15 000 000 000 (Ўн беш миллиард) сўм
500.000.000 (Беш юз миллион) сўм	10 (Ўн) дона	5 000 000 000 (Беш миллиард) сўм
<b>Жами:</b>	<b>160 (Бир юз олтмиш) дона</b>	<b>20 000 000 000 (Йигирма миллиард) сўм</b>

3.6. Цессия сертификат муомалада бўлган даврадагина амалга оширилиши мумкин.

Цессия амалга оширилгандан кейин, сертификатни сотиб олган шахс «Цессионарий» (банк томонидан сертификат бўйича тўланадиган фоизларни тўлаш учун ўз ҳисоб варағини кўрсатган ҳолда) банкни 3 (уч) банк иш куни давомида хабардор қилиши шарт.

3.7. Депозит сертификати цессиясини расмийлаштиришда йўл қўйилган хатолар тузатилганда у тузатиш киритилган сана кўрсатилган ҳолда «Тузатилди» ёзуви билан тасдиқланиши ҳамда цедент ва цессионарий томонидан имзоланиши шарт.

3.8. Цессия расмийлаштирилганда сертификат қорешоғига ўзгартиришлар киритилмайди.

3.9. Сертификатнинг муомала муддати тугаганда сертификат эгаси (сақловчиси)нинг аризасига мувофиқ унинг асосий талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағига сертификат суммаси ва унга тегишли фоизлар тўлаб берилади.

3.10. Сертификат сақловчилари томонидан банкка тўлаб бериш учун тақдим этилган сертификатларда цессиялар уларни талаб қилиш ҳуқуқи бошқа шахс фойдасига воз кечилганлиги ҳақида ёзувлар мавжуд бўлса, бунда банк сертификатнинг цессиясига доир шартномаларнинг узлуксизлигини, шунингдек сертификат сақловчисининг

охирги шартнома (цессия)даги номи ва ваколатли шахслари имзоларининг сертификатни тўлаб беришни сўраб ёзилган аризадаги номи ва имзоларига мослигини текшириб кўради.

Аризадаги ваколатли шахслар имзолари сертификатдаги охирги цессияни имзолаган шахслар имзоларига мос келмаган тақдирда, сертификат сакловчиси қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этиши талаб этилади. Бунда ушбу ишончнома банк томонидан тўлаб берилган сертификатга қўшиб тикиб қўйилади.

Сертификатларга доир шартномаларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **IV. СЕРТИФИКАТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ**

4.1. Сертификатлар қуйидаги муддатларга ва фоизларда чиқарилади.

<b>Муомала муддати</b>	<b>Йиллик фоиз ставкаси</b>
365 кун	15 фоиз

4.2. Сертификат бўйича фоизларни ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги Низомга (АВ томонидан 2004 йил 30 январь 1306-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ амалга оширилади.

4.3. Сертификатлар бўйича фоизлар ҳар ойнинг 3-санасидан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида, тузилган омонатчи-юридик шахслар рўйхати бўйича омонатчиларнинг тегишли ҳисобварағига ўтказиб бериш орқали амалга оширилади.

4.4. Сертификат бўйича олинаётган даромадни солиққа тортиш амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

4.5. Банк сертификатни бериш вақтида шартлашилган ва сертификатда белгиланган фоиз ставкасини бир томонлама ўзгартиришга (камайтириши ёки кўпайтириши) ҳақли эмас.

4.6. Сертификатни бериш вақтида белгиланган ва муомала муддати тугаганидан сўнг (сертификат эгаси сертификат бўйича депозитини талаб қилиб олиш ҳуқуқини қўлга киритганда) сертификат эгасига тўланиши лозим бўлган фоизлар мазкур сертификат сотиб олинган вақтдан қатъий назар, 5 (беш) банк иш куни ичида банк томонидан тўланади.

4.7. Сертификат сакловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар ёхуд сертификатда кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни депозитни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бунда сертификат бўйича фоиз тўлови сертификат ҳақиқатда муомалада бўлган муддат учун йиллик қуйидаги шартларда қайта ҳисобланади:

№	Муомала муддати	Даромад миқдори (йиллик)	
		Белгиланган муддатда	Белгиланган сўндириш муддатидан аввал тақдим этилганда
1	365 кун	15 (ўн беш) фоиз	1-60 кун оралиғида 14,0 %;
			61-365 кун оралиғида 15,0%

Сертификат бўйича аввал амалга оширилган фоиз тўловлари ва қайта ҳисоблаш натижасида тўланиши лозим бўлган фоизлар миқдори ўртасидаги фарқ депозит суммаси ҳисобидан ушлаб қолинади.

4.8. Сертификатлар банк ташаббуси билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга қабул қилинганда, банк томонидан депозит суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун ушбу шартларнинг 4.1.-бандида кўрсатилган фоизлар тўланади. Бунда, банк сертификатларнинг муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида камида бир ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериши лозим.

4.9. Агар сертификат бўйича депозитни олиш муддати сертификат сақловчиси томонидан ўтказиб юборилган бўлса, у ҳолда банк сертификатда белгиланган депозит суммаси ва ҳисобланган фоизларни сертификат эгасининг талабига кўра тўлашга мажбурдир. Бунда, сертификат суммасини талаб қилиш кунидан ҳақиқатда сертификатни тўлов учун тақдим этиш кунигача бўлган муддат учун фоизлар ҳисобланмайди ва тўланмайди.

4.10. Депозит сертификатни сўндириш муддати банкнинг айби билан кечиктирилган бўлса, у ҳолда сертификат бўйича сертификатнинг сўндириш муддати кечиктирилган кунлар учун ҳам сертификатда белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади ва тўланади.

4.11. Шу билан бирга, унга кўшимча равишда ўтиб кетган кунлар учун ҳар бир кунга сертификат бўйича тўланмаган сумманинг 0,05 фоизи миқдорида пеня тўланади.

## **V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

5.1. Депозит сертификатларининг корешокларини, сертификат бланкаларини ва сертификатларнинг кўшимча варақларини (иловаларини) сақлаш, шунингдек сертификат бланкаларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда сертификатлар билан боғлиқ амалиётлар белгилаган тартибда амалга оширилади.

5.2. Йўқотилган сертификатлар бўйича ҳуқуқлар банк томонидан қайта тикланади.

5.3. Сертификат йўқотилганда сертификат сақловчиси унинг дубликатини беришни сўраб банкка ёзма равишда ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир.

5.3.1. Сертификат йўқолганлиги аниқланганда сертификат сақловчиси бу ҳақда 3 (уч) банк иш куни ичида ариза тақдим қилиш орқали банкни хабардор қилиши шарт. Ариза банкка тақдим этилган санадан бошлаб, 3 (уч) иш куни ичида кўриб чиқилади. Ариза банкнинг махсус журналида қайд этилади, ушбу журнал рақамланган, тикилган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

5.4. Ариза сертификатнинг корешоги билан бирга сақланади. Аризада сертификат расмийлаштирилган сана, сертификат рақами, сертификат банкнинг қайси бўлими орқали берилганлиги, кимнинг номига расмийлаштирилганлиги (юримдик шахснинг номи кўрсатилади) ва қанча миқдордалиги кўрсатилади.

Ариза ва бошқа зарур ҳужжатлар банк Бошқаруви ташкил этган махсус комиссия томонидан 5 (беш) иш кунида кўриб чиқилгандан сўнг ва ариза бўйича ижобий қарор қабул қилинганидан кейин банк 2 (икки) иш куни давомида йўқолган сертификат бўйича тўловларни амалга оширади ёки аризачига сертификат дубликатини беради.

5.5 Сертификатга оид ахборотлар Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ошкор қилинади.

**Депозит  
сертификати  
корешоги**

серияси ТВДС-УУ-011  
раками \_\_\_\_\_

суммаси **100 000 000**  
(Бир юз миллион) сўм

20\_\_ й. " \_\_"  
(берилган санаси)

\_\_\_\_\_ (сертификат кимга берилгани:

\_\_\_\_\_ (юрidik шахсининг  
номи ва жойлашган манзили)

Сертификатни олдим

20\_\_ й. " \_\_"

\_\_\_\_\_ (омонатчининг ёки унинг  
ваколатли  
шахсининг имзоси)

**ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ**

серияси ТВДС-УУ-011

раками \_\_\_\_\_

депозит кўйилган сана 20\_\_ й. " \_\_"  
сертификат бўйича депозитни талдоб қилиб олиш санаси:  
20\_\_ й. " \_\_"

Депозит миқдори: **100 000 000** (Бир юз миллион сўм)

фoиз ставкаси: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки  
(Тошкент шаҳар, Абай кўчаси 4а уй)**

\_\_\_\_\_ (юрidik шахсининг номи ва жойлашган манзили)

\_\_\_\_\_ (сумма рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)

миқдоридagi депозитни жойлаштиргани тўғрисида гувоҳлик  
беради, шунингдек омонатчига ёки унинг ҳуқуқий ворисига  
кўрсатилган суммани йилга \_\_\_\_\_ фoиз ҳисобидан

сўм

\_\_\_\_\_ (сумма рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)  
миқдоридagi фoизларини кўшиб, жами \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (сумма рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)  
кайтариш мажбуриятини олади.

Имзолар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (Банкнинг мансабдор шахси)

М.Ў.

\_\_\_\_\_ (Банк бухгалтери)





**ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ**

**Депозит  
сертификати  
корешоги**

серияси ТВДС-УУ-011  
раками \_\_\_\_\_

суммаси **500 000 000**

(Беш юз миллион) сўм

20 \_\_ й. " \_\_ "

(берилган санаси)

(сертификат кимга берилгани:

\_\_\_\_\_ юридик шахсининг  
номи ва жойлашган манзили)

Сертификатни олдим

20 \_\_ й. " \_\_ "

\_\_\_\_\_ (омонатчининг ёки унинг  
ваколатли  
шахсининг имзоси)

серияси ТВДС-УУ-011

раками \_\_\_\_\_

депозит кўйилган сана 20 \_\_ й. " \_\_ "  
сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш санаси:  
20 \_\_ й. " \_\_ "

Депозит миқдори: **500 000 000** (Беш юз миллион сўм)

физ ставкаси: \_\_\_\_\_

(ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки  
(Тошкент шаҳар, Абай кўчаси 4а уй)**

\_\_\_\_\_ (юрidik шахсининг номи ва жойлашган манзили)

\_\_\_\_\_ (сумма ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)

миқдоридagi депозитни жойлаштиргани тўғрисида гувоҳлик  
беради, шунингдек омонатчига ёки унинг хужукий ворисига  
кўрсатилган суммани йилгига \_\_\_\_\_ физ ҳисобидан

сўм

\_\_\_\_\_ (сумма ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)  
миқдоридagi фoизларини кўшиб, жами \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (сумма ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)

сўм қайтариш мажбуриятини олади.

Имзолар: \_\_\_\_\_

(банкнинг мансабдор шахси)

М.Ў.

(банк бухгалтери)

<p>Сертификатни бошқа шахста бериш (цессия)ни расмийлаштириш намунаси:          Бошқа шахста бериш ҳақидаги ёзув N _____ 20__ й.          " _____ " _____ ("Целент") бир томондан          (Целентнинг номланиши, номи)          ва _____ ("Цессонарий") иккинчи томондан,          (цессонарийнинг номланиши, номи)          қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар: сертификатнинг эгаси ("Целент") уни бошқа шахста ("Цессонарий") беради,          _____ эса          (цессонарийнинг номланиши, номи)          рақамли сертификат бўйича хукуқларга эга бўлади.</p>	<p>Сертификатни бошқа шахста бериш (цессия)ни расмийлаштириш намунаси:          Бошқа шахста бериш ҳақидаги ёзув N _____ 20__ й.          " _____ " _____ ("Целент") бир томондан          (Целентнинг номланиши, номи)          ва _____ ("Цессонарий") иккинчи томондан,          (цессонарийнинг номланиши, номи)          қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар: сертификатнинг эгаси ("Целент") уни бошқа шахста ("Цессонарий") беради,          _____ эса          (цессонарийнинг номланиши, номи)          рақамли сертификат бўйича хукуқларга эга бўлади.</p>								
<p>Целентнинг ёки унинг ваколатига (цессонарийнинг ёки унинг ваколатига эга шахснинг имзоси) эга шахснинг имзоси          М.У. _____ М.У. _____</p>	<p>Целентнинг ёки унинг ваколатига (цессонарийнинг ёки унинг ваколатига эга шахснинг имзоси) эга шахснинг имзоси          М.У. _____ М.У. _____</p>								
<p>Депозит сертификатни (матннинг кейинги ўринларида «Сертификат») – бу «Гуронбанк» акциядорлик тижорат банкнинг (кейинги матнда «банк») сертификат-банкка қўйилган депозит суммасини ва омонатчининг (сертификат сажловчиси) депозит суммасини ҳамда сертификатда белгиланган фондларни банк ёки унинг истаган филиалидан белгиланган муддат тўлаганидан сўнг олиш хуқуқини тасдиқловчи номмасивия эгасининг номи ёзилган қимматли қотоз.</p>									
<p>Сертификатни товарлар олд-сотдиси ёки қўрсатилган хизматлар (ашлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида қўллаш мумкин эмас.</p>									
<p>Депозит сертификатларнинг олд-сотдиси ва улар бўйича суммаларни тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар навқисиз шаклда амалга оширилади.</p>									
<p>Сертификатлар бўйича фондлар ҳар ойнинг 3 санасидан бошлаб 3 (уч) банк иш кунини янгида тўзгилган омонатчи-орудлик шахслар рўйхати бўйича омонатчиларнинг тегишли ҳисобварағига ўтказиб бериш орқали амалга оширилади.</p>									
<p>Цессия амалга оширилгандан кейин, сертификатни сотиб олган шахс (Цессонарий) (банк томонидан сертификат бўйича тўланадиган фондларни тўлаш учун ўз ҳисоб варағини қўрсатган ҳолда) банкни 3 (уч) банк иш кунини давомийда хабардор қилиши шарт.</p>									
<p>Сертификат сажловчиси сертификатни муддати тўтулуғига қадар ёхуд сертификатга қўрсатилган бошқа ҳолатлар юз берүүга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни депозитни олишни мўжжаветган санадан қамда бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бунда сертификат бўйича фонд тўловы сертификат ҳақиқатда муомаллада бўлган муддат учун йиллик қуйидаги шартларда қайта ҳисобланади:</p>									
<table border="1"> <tr> <th data-bbox="678 163 750 739">№</th> <th data-bbox="598 163 678 739">Муомала муддати</th> <th colspan="2" data-bbox="678 750 750 1541">Даромад миқдори (Йиллик)</th> </tr> <tr> <td data-bbox="598 750 678 1541">1</td> <td data-bbox="598 750 678 1541">365 кун</td> <td data-bbox="598 750 678 1541">15 (Ҳн беш) фонд</td> <td data-bbox="598 750 678 1541">1-60 кун оралиғида 14,0 %; 61-365 кун оралиғида 15,0%</td> </tr> </table>	№	Муомала муддати	Даромад миқдори (Йиллик)		1	365 кун	15 (Ҳн беш) фонд	1-60 кун оралиғида 14,0 %; 61-365 кун оралиғида 15,0%	
№	Муомала муддати	Даромад миқдори (Йиллик)							
1	365 кун	15 (Ҳн беш) фонд	1-60 кун оралиғида 14,0 %; 61-365 кун оралиғида 15,0%						
<p>Сертификат бўйича аввал амалга оширилган фонд тўловлари ва қайта ҳисоблаш натижасида тўланиши лозим бўлган фондлар миқдори ўртақдиги фарқ депозит суммаси ҳисобидан ушлаб қолинади.</p>									
<p>Сертификатлар банк ташаббуси билан қонуни ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга қабул қилинганда, банк томонидан депозит суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун фондлар тўланади. Бунда, банк сертификатларнинг муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида қамда бир ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериши лозим.</p>									
<p>Сертификатни бериш вақтида белгиланган ва муомала муддати тўлаганидан сўнг (сертификат эгаси сертификат бўйича депозитини талаб қилиб олиш хуқуқини қўлга киритганда) сертификат эгасига тўланиши лозим бўлган фондлар мазкур сертификат сотиб олинган вақтдан қатъи назар, 5 (Беш) банк иш кунини янгида банк томонидан тўланади.</p>									
<p>Агар сертификат бўйича депозитни олиш муддати сертификат сажловчиси томонидан ўтказиб юборилган бўлса, у ҳолда банк сертификатда белгиланган депозит суммаси ва ҳисобланган фондларнинг сертификат эгасининг талабига қўра тўлашга мажбурдир. Бунда, сертификат суммасини талаб қилиш кунидан ҳақиқатда сертификатни тўлов учун тақдим этиш кунигача бўлган муддат учун фондлар, талаб қилиб олинүүча депозитлар бўйича фондлар ҳисобланмайдил ва тўланмайдил.</p>									
<p>Сертификат бўйича олинмаётган даромаднинг солиқка торилш амалдиги қонунийлик ҳужжатлари асосида амалга оширилади.</p>									
<p>Йўқотилган сертификатлар бўйича хуқуқлар банк томонидан қайта тикланади.</p>									
<p>Сертификат йўқотилгани аниқланганда сертификат сажловчиси бу ҳақида 3 (уч) банк иш кунини янгида арза тақдим қилиш орқали банкни хабардор қилиши шарт. Арза банкка тақдим этилган санадан бошлаб, 3 (уч) иш кунини янгида қўриб чиқилади. Арза банкнинг махсус журналида қайд этилади, ушбу журнал рақамланган, тикчилган ва банк муҳри билан тақдирланган бўлиши лозим.</p>									
<p>Арза ва бошқа зарур ҳужжатлар банк бошқаруви ташқил этган махсус комиссия томонидан 5 (беш) иш кунида қўриб чиқилгандан сўнг ва арза бўйича ижобий қарор қабул қилингандан кейин банк 2 (икки) иш кунини давомийда йўқолган сертификат бўйича тўловларни амалга оширади ёки арзадаги сертификат дубликатини беради.</p>									